

Хозирги пайтда Сиэтлда 200 мусулмон истикомат килади. МуслимЭконинг ёзишича, шахар мэри Вашингтон штатида мусулмонлар эхтиёжи учун халол ипотека карз олишни жорий килишни кўриб чикаётганини эълон килган.

Ўз динининг ахкомлари туфайли ипотека кредитидан фойдаланмайдиган мусулмонларга уй-жой олишни осонлаштириш ва шахардаги диний озчилик катламини молиялаш максадида Сиэтл мэри Эд Мюррей шундай ташаббус билан чиккан. Мюррей ушбу режани амалга ошириш учун уй-жойга ихтисослашган нотижорат жамиятлар, молиявий компания ва илгор мусулмон тадбиркорларни жалб килмокчи.
Айтиб ўтиш жоизки, Сиэтлда 200 дан ошик мусулмонлар бўлиб, улар тураржой масаласида каттик кийинчиликка дуч келганлар.

Ибн Маъруф таржимаси